

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 63-ҳадис

63 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْإِسْتِئْذَانُ ثَلَاثٌ، فَإِنْ أُذِنَ لَكَ وَإِلَّا فَارْجِعْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Изн сўраш уч мартадир. Агар сенга изн берилса, киргин. Агар берилмаса, қайтиб кетгин», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ислом жамияти фазилатли жамият бўлиб, ҳаёт жабҳасининг барча кўринишларини тартибга солади. Шунинг учун одамларнинг хос, уятли нарсаларини ошкор қилмаслик мақсадида изн сўрашни шариатга киритди. Зиёрат қилишни мақсад қилиб келган киши уй эгалари аниқ уйда ёки уйда эмаслигини билиш учун уч мартагача изн сўрашга буйруқ бўлди. Агар жавоб бўлмаса, ортга қайтишга буюрдилар. Мусулмон киши то изн берилмагунча ва ўша хонадон аҳлига салом бермагунча уйга кирмаслиги лозим. Буни бизга Расулуллоҳ с.а.в. таълим берганлар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмон кишига одамларнинг олдида кирганида изн сўраши шарт.
2. Мусулмон киши уйга кириш учун уч марта изн сўрайди. Биринчисида эшикни тақиллатади ёки хонадон аҳллари чақиради. Сўнгра кутиб туради. Мана шуни уч марта такрорлайди. Агар хонадон аҳли жавоб қайтариб, таклиф қилса, киради. Бўлмаса қайтиб кетади.
3. Баъзи одамлар изн сўрайдида, ҳали рухсат берилмасидан олдин тўғридан-тўғри уйга бостириб киради. Бу иш катта хато ҳисобланади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI